

## ШАРТНОМА

Карши шахри.

« 14 » январь 2022 йил.

**Вилоят саломатликни тиклаш шифохонаси** (бундан буён "Истеъмомчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият курсатувчи раҳбари **С.Эркаев** бир томондан ва **Карши шаҳар «Сувокова» филиали** (бундан буён "Таъминотчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият курсатувчи раҳбари **З.Нажимов**, иккинчи томондан ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар

### I. ШАРТНОМАНИНГ МОХИЯТИ

1.1 "Таъминотчи" «Истеъмомчи»га ичимлик сувини етказиб бериш ва оқова сувларини қабул қилиш (агар тегишли оқова тармоғига уланган бўлса) мажбуриятини уз зиммасига олади. «Истеъмомчи» етказиб берилган ичимлик суви ва оқова сув хизматидан бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида самарали ва оқилона фойдаланади. «Туловчи» уз урнида амалда кулланилаётган тарифлар асосида ва ушбу шартномада қайд этилган шартлари буйича «Таъминотчи»га хизмат туловларини уз вақтида тулаб бериш мажбуриятларини олади.

1.2 «Истеъмомчи» томонидан оқова сув тармоғига ташланган оқова сувлар миқдори "Таъминотчи" ва «Истеъмомчи» томонидан узаро ҳал қилиниб қабул қилинади.

1.3 Ичимлик сувини етказиб бериш ва оқова сув хизмати курсатиш буйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси амалдаги «Сув таъминоти ва оқова сув хизмати курсатиш тизимларидан фойдаланиш қоидалари»даги (матн давомида «қоидалар») ва ушбу соҳадаги бошқа меъёрий ҳужжатларга асосан аниқланади.

### II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 2.1. «Таъминотчи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

2.1.1. «Истеъмомчи»ни шаҳар сув ва оқова сув тармоғига уланган инженер-техник воситалари орқали коммунал тармоғидан фойдаланиш чегарасигача ичимлик суви билан таъминлайди ва оқова сув хизмати курсатади (агар тегишли оқова сув тармоғига уланган бўлса). (Коммунал тармоғидан фойдаланиш чегараси «Истеъмомчи» нинг шаҳар ичимлик суви ва оқова сув хизмати курсатиш тармоғига уланган жойидир).

2.1.2. «Истеъмомчи» нинг тармоққа уланган жойигача булган ичимлик ва оқова сув тармоғида таъмирлаш, қайта тиклаш, кенгайтириш, янгилаш ҳамда сув қувурларидаги барча ҳалокат (авария)ларни бартараф этиш каби ишларни амалга оширади.

2.1.3. Шаҳар ичимлик ва оқова сув тармоғида таъмирлаш ёки бошқа турдаги ишларни олиб бораётган ҳолларда ёки «Истеъмомчи» томонидан тулов амалга оширилмаган ва ушбу шартноманинг шартлари бажарилмаган ҳолларда «Истеъмомчи» ни олдиндан огоҳлантириб ичимлик суви беришни ва оқова сув хизмати курсатишни тухтатади.

2.1.4. Куйидаги ҳолларда «Истеъмомчи» га хабар бермасдан туриб, ичимлик суви етказишни ва оқова сув хизмати курсатишни тула ёки қисман тухтатади:

- «Сувокова» корхоналарини электр қуввати билан таъминлаш тухтатилганда;
- Табиий офатлар юз берганда;
- Шаҳар сув тармоғида қучли ҳалокатлар юз берганда.

2.1.5. «Истеъмомчи»нинг сув тармоғини лойихасига асосланиб унинг ички сув таъминлаш тармоғини ва сув улчаш асбобларини ҳолатини назорат қилиб боради ва уларнинг тугри техник фойдаланиш ва сақланиш шартларига амал қилинишини талаб қилади.

2.1.6. Сув улчаш асбоби курсатгичларини ва улардаги муҳрларнинг сақланишини қузатиб боради.

2.1.7. «Истеъмомчи»ларнинг гуруҳларига қараб ичимлик суви етказиб бериш ва оқова сув хизмати курсатиш учун (агар тегишли оқова сув тармоғига уланган бўлса) белгиланган тарифлар асосида тулов ҳужжатларини тақдим этади.

2.1.8. «Истеъмомчи» га ичимлик суви етказиб бериш ва оқова сув хизмати курсатиш буйича тарифларни узгаргани тугрисида уларни амал қилиш муддатидан камида 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали хабар беради.

2.1.9. «Истеъмомчи»га амал қилиш учун курсатмаларни ва «Истеъмомчи»нинг вакили билан тасдиқланиши зарур булган далолатномаларни тақдим этади. «Истеъмомчи» юқорида айтилган ҳужжатларга қул қуйишдан бош тортса тушунмовчилик баённомасини тузади ва ҳужалиқ судига қуриб чиқиш учун белгиланган тартибда топширади.

2.1.10. «Истеъмомчи»га 2022 йил давомида бюджетдан ажратилган маблағ доирасида белгиланган 1 м куб ичимлик сув миқдори 7705 сум\_00\_ тийин 600 м<sup>3</sup> 4 623 000 сумлик миқдорида ичимлик суви етказиб беради

2.1.11. «Истеъмомчи»га ҳар ойнинг 1-санасигача ушбу утган ойда курсатилган хизмат счет-фактураларини тақдим қилади.

#### 2.2. «Истеъмомчи» нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

2.2.1. Узига тегишли сув етказиш ва оқова сувларини узатиш тармоғининг техник ҳолатини ва фойдаланилишини керакли равишда назорат қилади. Уз ҳудудидаги ичимлик сувининг барча турдаги оқувларини ва самарасиз фойдаланилишини бартараф қилиш учун тегишли тадбирларни амалга оширади.

2.2.2. Шартномада курсатилган ҳар ойда белгиланган лимит буйича туловнинг 15 %ини олдиндан тулаб беради.

2.2.3. Шаҳар ичимлик суви билан таъминлаш ёки оқова сувларини узатиш тармоғига уланишдан олдин «Таъминотчи»дан белгиланган нарҳда техник шартларни олади ва унга сув таъминлаш ёки оқова сувларини узатиш тармоғининг лойихасини (узига қарашли шаҳар сув тармоғига уланган барча объектларининг жойлашишини) тақдим этади. Шаҳар ичимлик суви ёки оқова сувларини узатиш тармоғига уланиш ёки ундан узилиш харажатларини «Истеъмомчи» уз зиммасига олади.

2.2.4. Сув улчаш асбобини ҳар бир шаҳар ичимлик сув тармоғига уланган қувурга қоида асосида қулай ва химояланган жойга урнатади. Сув улчаш асбобини урнатиш «Истеъмомчи»нинг зиммасига юкланади ва унинг ҳисобидан харид қилинади.

2.2.5. Сув улчагич асбобидаги муҳрларнинг сақланишини назорат қилади. Муҳрлар бузилган ёки сув улчагич асбоби ишдан чиққан ҳолларда «Сувокова» корхонасига уч кун ичида ёзма равишда хабар беради. Сув улчагич асбоблари «Давлат синов ва сертификатлаш маркази» (Госстандарт) ёки уларнинг ваколатли корхоналари томонидан текширилишини ва муҳрланишини ҳамда доимий текширувдан утишини уз ҳисобидан таъминлайди.

2.2.6. Сув улчагич асбобини таъмирлаш, алмаштириш ёки текшириш мақсадида ечиб олишдан олдин «Сувокова»

корхонасига хабар беради ва унинг вакили билан биргаликда сув улчагич асбобининг охириги курсаттичини тасдиқлайди.

**2.2.7. «Таъминотчи»**га сув улчаш асбоби урнатилган жойни ва сув тармогини куздан кечиришида шароит ёки имконият яратиб бериши шарт.

**2.2.8.** Уз худудидаги сув тармоги лойихасини узгаришини ва суб-мижозларнинг уланган холларини «Сувокова» корхонасига хабар беради. Улардан алохида сув улчагич асбоблари урнатилишини ва «Сувокова» корхонаси билан ичимлик сувидан фойдаланиш буйича шартнома тузишини талаб қилади.

**2.2.9.** Шахар сув тармогига ноқонуний улангани ва уз худудидаги ичимлик сувидан беҳисоб фойдалангани учун қонун асосида жавоб беради.

**2.2.10.** Хар ойнинг 20-санасидан то 25-санасигача ушбу ойда фойдаланилган ичимлик суви буйича ваколатли шахслар томонидан тасдиқланган ва муҳрланган далолатномани «Сувокова» корхонасига топширади. Далолатнома белгиланган вақтда етказилмаган холда ичимлик суви сарфи шартноманинг 3.2. бандига асосан ҳисоб-китоб қилинади.

**2.2.11.** Бюджет ташкилотлари ичимлик сув туловлари учун белгиланган моддий лимитларга амал қилади.

**2.2.12.** Уз қарори билан ички сув етказиш тармогига, иншоотларига ва сув улчагич асбобларига жавобгар шахсни белгилайди ва у турғисида «Сувокова» корхонасига уз вақтида маълумот беради.

**2.2.13. «Истеъмолчи» «Таъминотчи»** томонидан тақдим қилинган ҳисоб фактуралар нусхасини хар ойда «Туловчи»га етказиб беради.

### 2.3 «Туловчи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

**2.3.1.** «Туловчи» факатгина харажатлар сметасидаги етказиб берилган ичимлик суви ва оқова сув хизмати курсатиш харажатлари учун **2022 йилда** ажратилган маблағлар доирасида туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**2.3.2.** "Таъминотчи"га етказиб берилган ичимлик суви ва оқова сув хизмати курсатиш харажатлари учун қонунчилик асосида белгилаб берилган Ўзбекистон Республикаси амалдаги тарифлари буйича ҳақ тўлайди.

**2.3.3.** Етказиб берилган ичимлик суви ва оқова сув хизмати курсатиш харажатлари учун туловлар нақд пулсиз бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида кузда тутилган маблағлар доирасидан чиқмаган холда мазкур шартноманинг 3.3. бандидаги ойма-ой графигига асосан туловни амалга оширади.

**2.3.4.** «Таъминотчи»дан хар ойнинг охирида бюджет ташкилотларига етказиб берилган ичимлик суви ва оқова сув хизмати курсатиш харажатлари учун миқдори ва суммаси буйича маълумот олишга ҳақлидир.

**2.3.5.** «Истеъмолчи»нинг сув истеъмоли келишилган лимитдан яъни \_\_\_\_\_ м<sup>3</sup> дан ошса, у холда лимитдан ортиқча олинган хар бир м<sup>3</sup> ичимлик суви учун 10 ортирилган коэффциент билан ҳисоб-китоблар қоида буйича ҳисобланади.

### III. ХИЗМАТ ҲАКИ, ТУЛОВЛАР ТАРТИБИ

**3.1.** Фойдаланилган ичимлик суви ва курсатилган оқова сув хизмати учун ҳисоб-китоб «Истеъмолчи» нинг сув улчагич асбобини курсатгичи асосида олиб борилади. Агарда сув улчагич асбоби ишдан чиққан бўлса ёки махсус муҳрлар қасддан узилган бўлса фойдаланилган ичимлик суви сарфи ва курсатилган оқова сув хизмати миқдори уланган қувурнинг кесими буйича ҳисобланади. Агар сув улчагич асбобининг носозлиги ёки муҳрларнинг йуқлиги (бузилганлиги) бартараф қилинмаган бўлса кейинги ойлар ҳам ичимлик суви сарфи ҳисоб - китоби қувурнинг кесими буйича ҳисобланади.

**3.2.** Уланган қувурнинг кесими буйича қунлик сув сарфи қуйидаги формула буйича ҳисобланади:  $Q=2.65 \times F \times H \times N$ . Бюджет ташкилотлари учун қувурнинг кесими буйича ҳисобланган сув сарфи хар қуни 8 соатга ҳисобланади.

**3.3.** «Сувокова» корхонаси «Истеъмолчи» га етказиб берилган ичимлик суви ва оқова сув хизмати учун тулов варақасини 30 (Уттиз) қунлик муддат билан тақдим қилади. Тулов миқдори ҳисобот ойининг 15% миқдорини олдиндан туланган ҳақ сифатида узида мужассам этади. «Истеъмолчи» хар ой етказиб берилган ичимлик суви ва курсатилган оқова сув хизмати учун қуйидаги график асосида бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳақ тўлашни уз зиммасига олади. Жумладан:

2022 йил жами	1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак		
	Янв.	Фев.	Март	Апр.	Май	Июн	Июл	Авг.	Сен.	Окт.	Нояб.	Дек.
М3	600	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
Суммаси	4623000	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0

**3.4.** Бюджет ташкилотларининг смета харажатларига йил давомида киритиладиган узгаришлар хизмат курсатувчи, хизмат олувчи ва хизмат ҳақини туловчилар томонидан узаро келишилган холда шартнома суммасига узгартиришлар киритишга ҳақлидирлар.

**3.5.** Курсатилган муддатда пул утказилмаган тақдирда қарздорлик туланмаган хар бир қун учун қарз миқдорининг 0,2% миқдорида жарима ундирилади, бу миқдор қарздорлик суммасининг 50 % идан ошмаслиги керак.

**3.6.** Мазкур шартноманинг 2.2.6.-2.2.9. бандлари бузилган тақдирда, «Таъминотчи» билан «Истеъмолчи» уртасида тегишли далолатнома тузилади ва бир ойлик ичимлик суви сарфи ҳисоб-китоби шартноманинг 3.2. бандига асосан жарима сифатида ҳисобланади.

**3.7.** Белгиланган муддатда «Туловчи» томонидан тулов амалга оширилмаган тақдирда, «Истеъмолчи»га огоҳлантириш хати юборилади. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га ичимлик сувини етказиб беришни тухтатади ва ҳужалик судига даъво аризаси билан муурожаат қилади. «Истеъмолчи» томонидан «Таъминотчи»нинг қарзлари тулик тулаб берилгандан сунг ёки ёзма равишда қарзларни тулаш зиммаси юқлатилгандан кейин ичимлик суви етказиб бериш ва оқова сув хизмати курсатиш қайта тикланади.

**3.8.** «Таъминотчи» билан шартнома тузган «Истеъмолчи» нинг ички сув тармогига бошқа истеъмолчилар гуруҳига қарашли суб-мижозлар уланган бўлса ушбу суб-мижозлар билан сув сарфи ҳисоб-китоби алохида тузилган шартнома ва белгиланган тарифлар асосида ҳисоб- китоб қилиб борилади.

**3.9.** «Истеъмолчи»нинг сув истеъмоли келишилган лимитдан яъни \_\_\_\_\_ м<sup>3</sup> дан ошса у холда лимитдан ортиқча олинган хар бир м<sup>3</sup> ичимлик суви ҳисоб - китоби кейинги гуруҳ тариф нархи билан ҳисоб- китоб қилинади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 4.1. Томонлар уртасида келишмовчилик ва низолар узаро келишилган холда ечилиши лозим, ечимини топмаган холда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида суд органларига муурожаат қилишлари мумкин.
- 4.2. Томонлар уртасидаги шартнома бекор қилинган тақдирда ҳам улар келтирилган зарар ва узаро қарздорлик жавобгарлигидан озод қилинмайдилар.
- 4.3. Шартнома шартларининг бажарилишида ва шартномада акс эттирилмаган масалаларни ҳал қилинишида томонлар «Қоидалар» асосида иш юритадилар.

V. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 5.1. Шартнома икки томон ҳам имзолаган кундан бошлаб қучга қиради амал қилиш муддати 2022 йил 14 сентябрь дан 2022 йил 31 декабрь гача уз қучини саклаб қолади.
- 5.2. Шартнома уз иш фаолиятини тухтатган, қайта барпо қилган ёки «Таъминотчи» хизматидан фойдаланиш рад этилган холларда «Истеъмолчи» томонидан бекор қилиниши мумкин.
- 5.3. Шартноманинг шартлари томонларнинг қелишуви билан фақат ёзма равишда узгартирилиши мумкин.
- 5.4. Шартнома уч нусхада тузилган бўлиб, учала нусхаси ҳам бир хил ҳуқуқий қучга эгадир.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК МАЪЛУМОТЛАРИ

«Таъминотчи»

Қарши шаҳар «Сувоқова» филиали  
 Манзил: Мичурин қуча №60-уй.  
 Банк номи: АТИБ Ипотека банк .  
 Қашқадарё филиали  
 Х/р: 22638000404291550343

Банк коди: МФО 00190 .

ИНН: 204737079.

ОКОНХ : 90213.

Тел: 225-03-96.

Бошлиқ: 3.Нажимов

М.У:



«Истеъмолчи»

Вилоят саноатининг тиклаш муурожаоти  
 (бюджетдан маблаг олувчининг номи)  
 Манзил: Қарши шаҳар, Нуриддин Мурусов қучаи №12-уй

Шахсий Х/Р: 401421860104017073201054003

(Бюджетдан маблаг олувчининг)

ИНН: 202039705 ОКОНХ: 91511

Тел: 226-18-42 Факс: 226-18-42

Рахбар: С. Арипов

М. У:



«Туловчи»нинг номи

Ў-н Рес. Машиқ Ваҳиди Фаюловнинг  
 Банк номи: М555. Фаюловнинг у ақли  
 Х/Р: 23402000300100001010  
 МФО: 00014  
 ИНН: 20122919  
 Рахбар: \_\_\_\_\_

М.У.

Юрист хулосаси:

Қарши шаҳар «Сувоқова» филиали ҳамда Вилоят саноатининг тиклаш муурожаоти уртасида жами 14.01.22 сумлик ичимлик суви етказиб бериш ва оқова сув хизмати курсатиш буйича 2022 йил 4-у да тузилган № 4-у сонли шартнома Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Қонун ва Фуқаролик кодекси талаблари асосида тузилган. Шартнома талаблари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига жавоб беради.

Шартнома мажбуриятларини бузилиш ҳолатлари буйича жавобгарлик ва низоларни ҳал этиш чоралари амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беради.

Ҳуқуқшунос:

Алиф Б. Қашқаров